Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 3 сентябрь 1974 йил, сешанба • № 205 (15 985). Баҳоси 2 тийин.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалик ходимлари деҳқончилик маҳсулотларн етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган мусобақани авж олдириб, давлатга сабзавот сотиш халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар. Сариосиё, Бойсун, Денов районларининг деҳқонлари сабзавот тайёрлаш топшириқларини анча ошириб бажардилар. Сабзавот тайёрлаш давом этмоқда.

* * *

Наманган областининг деҳқонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, давлатга полиз маҳсулотларини топшириш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида 27 августда рапорт бердилар. 11 минг тоннадан кўпроқ полиз маҳсулотлари тайёрланди. Беш минг етти юз тоннадан зиёд қовун-тарвуз топширган Задарё районининг полизчилари, топшириқни 160 процент қилиб бажарган «Гулбоғ» совхозининг меҳнатчилари бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар. Наманганликлар пландан ташқари камида 2 минг тонна полиз маҳсулотлари топширишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ИНСОННИ МАДҲ ЭТГАН ИНСОНГА

ТАНТАНАЛИ СУРАТДА М. ГОРЬКИЙГА ҲАЙКАЛ ОЧИЛДИ

2 сентябрь куни А. М. Горькийни ўзларининг раиси қилиб сайлаган совет ёзувчилари биринчи съездининг 40 йиллиги арафасида Ўзбекистон пойтахтидаги янги майдонлардан бирида буюк пролетар ёзувчисининг ҳайкалини очиш маросими бўлди. Максим Горькийнинг бронзадан ясалган ҳайкали бамисоли майдонда одим ташлаб бораётганга ўхшайди. Унинг номига қўйилган проспектдаги кум-кўк ёш дарахтлар ва ранг-баранг сентябрь гуллари ўртасида қад кўтарган ёпёруғ, кўп қаватли уйлар ҳайкал ортида кўзга яққол ташланиб турибди. Бу уй-жой кварталлари— Горькийнинг инсон ҳақидаги, инсон меҳнатининг гўзаллиги тўғрисидаги, қалбининг эзгулиги ҳақидаги сўзларини ёркин ифодалаб турибди.

Ҳайкални очишга бағишланган митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев очди.

Биз, совет ёзувчилари, деди митингда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. А. Удалов, барча миллий совет адабиётларимизни ягона оилага бирлаштирган бизнинг Горький билан бахтиёрмиз. Горькийни ўзининг устози деб ҳисобламаган биронта ҳам совет ёзувчиси йўқ.

Алексей Максимович Горькийга ўрнатилган ҳайкал, — дейди тошкентлик тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, ёзувчига бўлган умумхалқ муҳаббатини тасдиқловчи яна бир ажойиб далилдир. Совет ҳокимияти йилларида ўзбеклар диёрида амалга оширилган ажойиб зафарлар буюк инсонпарвар орзу-умидларининг рўёбга чиққанлигини ёркин акс эттириб турибди.

Мен ва архитектор С. Одилов, — деди ҳайкалтарош Я. Шапиро, Горький образини буюк пролетар ёзувчиси серқуёш Ўзбекистон халқларининг хотирасида мангу сақланиб қоладиган тарзда яратишга интилдик.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ҳайкал устидаги чойшабни туширади. Ҳозир бўлганлар олдида Максим Горькийнинг олти метрлик фигураси намоён бўлади. Мармар супага гуллар қўйилади.

Ҳайкални очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари К. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Суратда: М. Горькийга ўрнатилган ҳайкал.

И. Глауберзон фотоси.

ОММА ТАШАББУСИ— ҚУДРАТЛИ КУЧ

Ишчилар синфи жамиятимизнинг бутун тарихий тараққиёти давомида ўзининг етакчи куч эканлигини амалда намоён қилиб келмоқда. Ишчилар синфига хос революцион жўшқинлик, юксак сиёсий онглилик, уюшқоқлик, интизомлилик, ўз манфаатларидан умум манфаатларини устун қўйиш фазилатлари социалистик экономикани ривожлантиришда ҳам қўл келяпти, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон ишчилар синфи бутун мамлакатимиз ишчилари билан бир сафда туриб, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш мусобақасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритяпти. Республикамиз ишчилар синфи индустрияни юксалтириш, капитал қурилиш кўламини кенгайтириш, транспортни тараққий эттиришда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, янги-янги ташаббусларнинг ташкилотчиси сифатида ўз ижодий меҳнат қобилиятларини намойиш қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларига жавобан тўққизинчи беш йиллик белгиловчи йили социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун янги резерварлни ишга солмоқда, иш вақтидан унумли фойдаланиш намуналарини кўрсатаётир, имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети меҳнаткашлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларнинг кенг оммалашувини таъминлашга қаратилган тадбирларни оғишмай амалга оширяпти. Марказий Комитет шу йил 20 февралдаги қарори билан республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт тармоқлари илғорларидан тўққиз нафарининг тўққизинчи беш йиллиқда икки беш йиллик топшириқни бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллаган эди. Яқинда ушбу қарорнинг ижроси кўриб чиқилганида тўққиз ташаббускорнинг ҳаммаси ўз зиммаларига олган мажбуриятларини мунтазам ортиғи билан бажаришга эришаётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Меҳнатда ижодкор тўққиз ташаббускорнинг қўлга киритган муваффақиятлари бунёдкорлик меҳнатида оммавий қаҳрамонликка илҳомлантирувчи ибратдир. «Социалистик мусобақанинг қудратли тўлқинида, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида, — янги ажойиб ташаббуслар юзага келди, минг-минглаб зардорлар ва меҳнат қаҳрамонлари ўсиб етишди. Халқимиз уларни ҳақли суратда новаторлар, илғорлар деб атайди. Улар янги техникани эгаллаган кишилар бўлиб, ғоят унумли ишлаш намунасини кўрсатмоқдалар, ўз ибратлари билан иш нормаси ҳақидаги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш формалари ва методлари тўғрисидаги эскириб қолган тасаввурларга барҳам бермоқдалар. Уларнинг қўлга киритган муваффақиятлари бунёдкорлик меҳнатида янги зафарларга ва оммавий қаҳрамонликка илҳомлантирувчи манбадир».

Андижон, Тошкент, Фарғона, Наманган, Хоразм ва Самарқанд областларида бу ташаббуснинг издошлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Ана шу қимматли ҳаракат қатнашчилари олинган социалистик мажбуриятларнинг муддатидан олдин ортиғи билан бажарилишига, маҳсулот сифатини оширишга, кўплаб шогирдлар тайёрлашга, иш вақтидан тежаб-тергаб фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ҳамиша орттириб боришга муваффақ бўлмоқдалар. Бироқ халқ хўжалигининг айрим тармоқлари раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу ажойиб ташаббуснинг кенг ёйилишига етарлича эътибор қилмаётирлар. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё область корхоналарида, қурилишларида, транспорт тармоқларида тўққизлар ташаббусининг кенг ёйилиши билан боғлиқ ишлар сусткашлик билан амалга ошириляпти, ташаббус издошларини рағбатлантириш билан астойдил шуғулланилмаётир. Республика ёқочсозлик саноатида, қурилиш ташкилотларида, граждан авиацияси ва қишлоқ хўжалигида бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажарган ташаббускорлари жуда оз. Бунинг устига мусобақадошларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришда уларга зарур ёрдам бермаётган корхона ва ташкилотлар ҳам йўқ эмас.

Вазифа — ишчилар, меҳнаткашлар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан, жойларда тўққизлар ташаббусининг кенг қулоч ёйишини таъминлашдан, шу йўл билан тўққизинчи беш йиллик белгиловчи йили марраларини муддатидан илгари эгаллаш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдиришдан иборат. Бунинг учун мусобақа натижаларини вақти-вақти билан таҳлил қилиш, ғолибларни аниқлаш, рағбатлантириш, шунингдек, орқада қолаётганларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш, мажбуриятларнинг бажарилишига имкон берадиган шарт-шароитлар яратиб бериш керак. «Жанговар варақа» ва «Молния»лар орқали мусобақа пешқадамлари тажрибаларини тарғиб қилиб бориш нўлгина коллективларда яхши самаралар бермоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи яқинлашиб келмоқда. Илғор коллективлар шу юбилей шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажариш соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритилаётганлиги ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар. Саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида, транспорт тармоқларида бундай пешқадам коллективлар сафи ортишини таъминлаш, олинган мажбуриятларнинг ортиғи билан адо этилишига имкон берадиган қўшимча тадбирлар белгилаш, бунда тўққиз ташаббускор издошлари кўпайишини назарда тутиш лозим. Область, шаҳар, район партия комитетлари, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари бу ишда бош-қош бўлишлари, хўжалик ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари, мусобақанинг ташкил этилишидаги ҳар бир янгиликни илғаб олиб, улардан энг кўп самара берадиганларининг кенг ёйилишига етакчилик қилишлари керак. Бу иш меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини ошириш, таннархини арзонлаштириш, юбилей объектларини муддатида ишга тушириш, транспорт воситаларининг фойдали қатновини таъминлаш наби муҳим ишлаб чиқариш кўрсаткичларини мунтазам яхшилаб бориш вазифаси билан қўшиб олиб борилиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ТЎЙИГА

Сурхондарё области, Шўрчи районидаги «Узбекистон» совхози механизаторлари республикада биринчилар қатори машина теримини бошлаб юборди лар. Совхоз даласида 24 та терим агрегати ишламоқда. Уларнинг ҳар бири билан нунига 8-10 тоннадан «оқ олтин» терилмоқда. Суратларда: пешқадам бригада бошлиғи Ҳ. Шодмонов ҳамда у бошлиқ бригада дала ларида машина терими акс этган.

А. Тўраев фотолари.

Л. И. БРЕЖНЕВ Ю. ЦЕДЕНБАЛ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев 2 сентябрь куни Кремлда Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ўртоқ Ю. Цеденбал билан учрашди.

КПСС билан МХРП, Совет Иттифоқи билан МХР ўртасидаги ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан, шунингдек баъзи бир актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Ўртоқ Ю. Цеденбалнинг учрашуви самимий ва тўла якдиллик вазнятида ўтди.

Шу куниёқ Ўртоқ Ю. Цеденбал ватанига жўнаб кетди. (ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин Вьетнам Демократик Республикаси президенти Ўртоқ Тон Дик Тханга, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ле Зуанга, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Ўртоқ Чионг Тинга, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати Бош министри Фан Ван Донгга табрик телеграммаси йўллаб, миллий байрам—Вьетнам Демократик Республикаси тузилган кунининг 29 йиллиги билан самимий қутладилар.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, халқ хўжалигини тиклаш ва Шимолий Вьетнамда ВМП Марказий Комитети XXII пленуми қарорларида кўзда тутилганидек социализм қурилишини кенг авж олдириш учун қулай шароит яратиш ишида Вьетнам халқининг шонли Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида эришган муваффақиятларидан ғоят қувонмоқдалар.

Совет Иттифоқи, дейилади яна телеграммада, ВДРнинг Париж битимларини қатъиян ва сўзсиз бажаришга қаратилган принципиал йўлини изчиллик билан қўллаб-қувватлайди, шу муҳим халқаро ҳужжатдаги шартларни амалга оширишга халакит беришга, низони сиёсий йўл билан ҳал этишни бузишга урунаётган Сайгон маъмуриятининг нwerогарлик ҳаракатини қоралайди.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча йўлини ўтказиб, қардош Вьетнам халқига, унинг адолатли курашига ҳар тарафлама ёрдам бериш ва самарали мадад кўрсатиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилиб келди ва бундан кейин ҳам қилади.

Биз КПСС билан ВМП ўртасида, СССР билан ВДР ўртасида дўстлик доимо мустаҳкамланиб бораётганлиги ва ҳамкорлик ривожланаётганлиги марксизм-ленинизмнинг метиндай мустаҳкам принциплари ва пролетар интернационализми негизида социалистик мамлакатларнинг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш олижаноб ишига катта ҳисса қўшаётганлигини чуқур мамнуният билан таъкидлаб ўтамиз. (ТАСС).

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Франция Республикасининг президенти Валери Жискар д'Эстэн Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқларга жавоб телеграммаси юбориб, Париж озод этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан олган мактуб хусусида самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Ана шу сананинг байрам қилиниши, дейилади телеграммада, мамлакатларимиз озодлиги ва мустақиллиги учун биргаликда олиб борилган курашда мустаҳкамланган Франция—Совет жанговар қардошлиги тўғрисидаги хотирани француз халқининг онгида мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Давлатларимиз ўртасида мавжуд ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари, деб таъкидланади телеграммада, давлатларимизнинг муштарак осойишталиги йўлида ва тинчлик манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам ривожланишига сизлар каби мен ҳам аминман.

(ТАСС).

5 000 000 ТОННА УЧУН!

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 2 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — тайёрланган пахта (йиллик планга нисбатан процент ҳисобида);

Қашқадарё	1,5
Андижон	0,8
Сурхондарё	0,7
Бухоро	0,3
Жиззах	0,1
Фарғона	0,09
Наманган	0,06
ҚҚ АССР	—
Самарқанд	—
Сирдарё	—
Тошкент	—
Хоразм	—
Республика бўйича:	0,31

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида ғўза дефолиациясининг борши тўғрисида шу йил 2 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда дефолиация қилинган майдон, учинчи стун — мавсум бошидан буён (гектар ҳисобида): тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти.

Сурхондарё	1299	7803	0,8
ҚҚ АССР	2466	5074	4,6
Тошкент	822	1534	1,4
Жиззах	880	880	0,8
Андижон	—	—	—
Бухоро	—	—	—
Қашқадарё	—	—	—
Наманган	—	—	—
Самарқанд	—	—	—
Сирдарё	—	—	—
Фарғона	—	—	—
Хоразм	—	—	—
Республика бўйича:	5467	15291	1,2

ДОН—ДАВЛАТГА

Дон тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 2 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон (тонна ҳисобида); учинчи стун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида

Бухоро	19766	104,0
Қашқадарё	55223	69,0
Андижон	21022	67,8
Самарқанд	36930	61,5
Фарғона	13757	55,0
Сурхондарё	16765	41,9
Тошкент	28087	39,5
Жиззах	35323	37,2
Наманган	9385	26,8
Сирдарё	8922	21,2
ҚҚ АССР	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	245180	39,2

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Шаҳрисабз районининг хўжаликлари Қашқадарё областида биринчи бўлиб пахта тайёрлашга киришдилар. «Гулистон» колхози янги ҳосил пахтасини топшириш мавсумини биринчи бўлиб очди. Деҳқонлардан 80 тонна юқори сифатли пахта қабул қилиб олинди. Энгельс номли, «Ўзбекистон», «Правда» колхозлари ҳам пунктга кўп пахта келтирдилар. Биринчи куни шаҳрисабзликлардан 750 тонна—йиллик планнинг 1,5 процента миқдорида пахта қабул қилиб олинди.

ЯНГИ МАКТАБЛАРНИНГ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

Янги ўқув йилининг биринчи кунида Тошкентнинг «Октябрь» массивидаги, Чилонзордаги, Сергелидаги, Юнусобод массивидаги янги мактабларнинг эшиклари кенг очилди.

Бу ерда бинокорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига ўз мажбуриятларини бажара бориб, аъло даражада меҳнат қилдилар. Уларнинг ишлари юксак баҳо билан қабул қилинди.

Мактаб биноларининг кенг ёруғ хоналари зарур инвентарь, асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мактаб ҳузурида ошхоналар, мажлис заллари, спорт комплекслари бор.

Мактабларни очишга бағишланган тантанали маросимларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Н. Ж. Худойбердиев, О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат А. А. Ҳўжаев иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Италия Коммунистик партияси сиёсий бюросининг аъзоси Эмануэле Макалузо Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Италиядан келган меҳмон В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкент филиалида бўлди, республика пойтахтининг янги қурилишларини ва диққатга сазовор жойларни бориб кўрди.

Эмануэле Макалузо 2 сентябрда Бухорога жўнаб кетди. У шунингдек Самарқандда ва Андижонда ҳам бўлади.

(ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМЛИК ДЎСТЛАРГА ТАБРИК

Тошкент меҳнаткашлари Вьетнам Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг 29 йиллигини тантанали суратда нишонламоқдалар. Шаҳар жамоатчилиги вакилларининг 2 сентябрда бўлиб ўтган йиғилиши ана шу воқеага бағишланди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси И. Х. Тўхтахўжаева йиғилишни кириш нутқи билан очди. Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Ҳ. Аминова шонли сана тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган вьетнамлик йигит ва қизлар ҳозир бўлдилар. Улар Вьетнам халқига катта ва ҳар томонлама ёрдам бераётганликлари учун совет кишиларига қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари Вьетнам — Совет дўстлиги жамиятининг марказий правлениесига табрикнома йўлладилар.

* * *

ФАРҒОНА, 2 сентябрь. (ЎзТАГ). Фарғона жамоатчилигининг бугун умумшаҳар тантанали йиғилишига тўпланган вакиллари Вьетнам Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг 29 йиллиги муносабати билан вьетнамлик қардошларга қизғин қутловлар тоширдилар. Йиғилишда Фарғона область партия комитетининг секретари, Совет — Вьетнам дўстлиги жамияти область бўлими правлениесининг раиси Р. У. Қосимова доклад қилди.

Фарғона жамоатчилигининг намояндалари Москвадаги ВДР элчихонаси номига ва Ханойдаги Вьетнам — Совет дўстлиги жамиятига табрик телеграммалари йўлладилар.

Республикамиз саноат корхоналарининг кўплаб илғор ишчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Суратларда: (чапдан) 1. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг зарбдор бичиқчиси Ира Плацман. 2. Самарқанд трикотаж фабрикасининг тажрибали мотористи Рафа Самадова. 3. Бухородаги Тельман номли трикотаж фабрикасининг пешқадам тўқувчиси Наталья Захарова. Улар ҳозирги кунда 1976 йил ҳисобига иш бажаришяпти.

А. Тўраев фотолари.

ЯНГИ РАЙОН ГАЗЕТАСИ

Республикамиз маҳаллий матбуот органлари қаторига янги район газетаси қўшилди. Шу йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Компартияси Қуйи Чирчиқ район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «ЛЕНИН ЙЎЛИ» газетаси чиқа бошлади. Унинг дастлабки сонида район партия комитетининг биринчи секретари А. Саидхўжаев, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев ва бошқаларнинг район меҳнаткашлари ўз олдида турган улуғвор вазифаларни қандай бажараётганликлари ҳақидаги мақолаларини босиб чиқарган. Биз янги газетага оқ йўл тилаб, меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини, ижодий ташаббусларини беш йилликнинг улуғвор режаларини ado этишга қаратишдек жанговар вазифани бажаришда янги муваффақиятлар тилаймиз.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАРОР ВА ИЖРО

АКТИВГА ТАЯНИБ

КПСС XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа тобора оммавий тус олмоқда. Жанубий Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилаётган массивида ташкил этилган районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлар партия қарорларини амалга ошира бориб, кувончли натижаларга эришмоқдалар. Ўтган хўжалик йили давлатга деярли 40 минг тонна чўл дурдонаси топширилди. Пахта ҳосилдорлиги 20 центнердан кўпроққа ошди. Машина терими соҳасида республика кўчма Қизил байроғини доимий сақлаш учун қўлга киритдик.

Беш йилликнинг белгиловчи йилида пландагидан 20 минг тонна кўп — 55 минг тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олиб, шу кунларда ғўза парваришини қизғин олиб бораётирмиз. Шунингдек, бу йил она-Ватанга 2550 тонна сабзавот, 190 тонна парранда ғўшти, кўп миқдорда дон, полиз маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдамиз. Бу улкан режалар бошланғич партия ташкилотларининг кундалик ташкилотчилик ишлари туфайли муваффақият билан рўёбга чиқарилмоқда. Коммунистлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Кейинги вақтда бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, партия комитетларининг мажлисларида муҳим, актуал масалалар ишчанлик руҳида қараб чиқиладиган бўлиб қолди. Масаланинг моҳиятини пухта ўйлаб, келажакни кўрган ҳолда ҳаётий қарорлар қабул қилинмоқда. Район партия комитети қуйи ва юқори партия органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилишига эришмоқда.

Қарорларнинг қабул қилиниши, — Калинин районидаги генерал С. Раҳимов номли колхоз партия комитетининг аъзоси ўртоқ Т. Бобоевнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган мактубида таъкидланганидек, — ишнинг бошланиши, холос. Қанчалик муҳим бўлмасин, қарорнинг ижросини мунтазам равишда текшириб турмаслик бошланган ишни охирига етказмаслик демакдир.

Яқинда юз берган бир воқеа шу жиҳатдан ибратлидир. «Уч қаҳрамон» совхози партия комитети ғўза қатор ораларига ишлов беришни яхшилаш ва бу соҳада коммунистларнинг авангардлигини ошириш ҳақида намунали тадбир ишлаб чиқди. Райкомнинг бюро мажлиси бу тадбирларни маъқуллаб, барча партия ташкилотларида ишлаб чиқиш учун тавсия этди. Кўп ўтмай ташаббускорларнинг иши билан танишиб чиқдик. Бу пайтда партком секретари бошқа ишга ўтказилган эди. Текшириш шуни кўрсатдики, ишчан, ташаббускор партком секретари бошқа ишга ўтганидан кейин, кўжаликда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Партиявий иш— барча партия ходимларининг жонажон иши. Лекин партком аъзоси, совхоз директори Т. Кобилбеков партия ташкилоти ишлаб чиққан муҳим тадбирнинг бажарилиши билан қизиқмаган. Оқибатда ҳам партиявий, ҳам хўжалик ишлари бўшашиб кетган. Райком бюроси бошланғич ташкилот ҳаётидан ажралиб қолган директорни вазифасидан четлаштирди.

Охунбобоев номли совхоз партия ташкилотида қарор топган тажрибани «Уч қаҳрамон» совхози партия ташкилоти ишига таққослаб бўлмайди. Бу ерда ҳар бир коммунист қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақида ўйлайди.

Августнинг бошлари эди. Бригада бошлиғи, партком аъзоси Сотти Улуғмуродов райкомга янги нусхадаги партия билети олиш учун келганида, ундан:

— Сиз район партия комитети пленумининг «Социалистик мусобақани янада кучайтириш соҳасида партия ташкилотларининг сиёсий ва ташкилотчилик иши ҳақидаги қарорига қандай жавоб бердингиз? — деб сўрадик.

— Мусобака — муваффакият калити, — жавоб берди коммунист, — Биз ўтган йили гектаридан 42 центнерга етказиб ҳосил ундирдик. Бу йил бригадамиз базасида икки коллектив ташкил қилинди. Энди мусобакалашиб иш олиб бормоқдалар. Н. Холмуродов, Х. Унгалов, Т. Грушко, Ю. Эргашевлар бу соҳада айниқса, қизғин фаолият кўрсатмоқдалар.

Райкомнинг март ойида бўлиб ўтган пленумида «Қурилиш самарадорлигини янада ошириш борасида район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Пленумда бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибаси чуқур таҳлил қилинди. Бу нарса камчиликларни очиб ташлашга, уларни бартараф қилиш чораларини белгилашга имкон берди. 11-кўчма механизациялашган колонна партия ташкилоти қаттиқ танқид остига олинди. Чунки, аҳоли яшайдиган жойларда маданий-маиший объектлар, хусусан, клуб, ҳаммом ва мактаб бинолари қурилиши суст борилмоқда эди. Бу ишчилар кўнимсизлигига сабаб бўлди. Пленумда Тимирязев номли совхозда қурилаётган комплексни фойдаланишга топшириш муддатлари чўзиб юборилаётганлиги очиб ташланди. Партия ташкилоти бу масалалар юзасидан амалий тадбирлар белгилаб, уларни бажариш учун изчил курашмади. Шунингдек, «Узптицпром» ва «Узгипропроект» институти адресига қилинган талаблар ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Партиявий иш — ижодий ишдир. Партком мажлиси ва коммунистларнинг йиғилишларида қабул қилинган қарорларни бажаришга ҳам ижодий ёндашиш, шахсий намуна кўрсатиш, қамиша ташаббускор бўлиш партия ходимига хос фазилатлардир. Чунки қарорларнинг ижроси учун изчил курашилмас экан, йиғилишнинг ҳам, қарорнинг ҳам нуфузини кўтариш мумкин эмас. Бинобарин, қарорларнинг самараси учун кураш ҳар бир коммунистнинг кундалик эътиборида бўлмоғи лозим.

М. НИШОНОВ,
Жиззах область, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари.

Советлар мамлакатида

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ТОЖИКИСТОНнинг тайёрлов пунктларига 30 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди. Ҳеч қачон август ойида ҳосил терими бундай суръатлар билан бормаган эди. Энг жанубий район ҳисобланган Панж районидаги хўжаликлар давлатга 4000 тонна ингичка толали пахта сотдилар.

«Роҳи Ленин» колхозининг пахтакорлари бу йил ингичка толали пахтадан рекорд ҳосил —гектар бошига 40 центнердан, пешқадам бригадалар эса 45-50 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилдилар. Коммунист В. Раҳимов бошлиқ бригада ҳозиргача ўрта ҳисобда 12 центнердан сифатли пахта териб олди. Биринчи беш кунлик якунлари бўйича бу бригадаларга колхоз правленеси ва партия ташкилотининг кўчма қизил байроғи топширилди.

ОЗАРБАЙЖОН далаларида пахта йиғим-терими қун сайин кучайиб бормоқда. Курдамир районининг меҳнатчилари янги ҳосил пахтасини тез суръатлар билан териб олмоқдалар. Энгельс номли колхознинг Туроб Мустафоев бошлиқ бригадаси йиллик планни бажарганлиги тўғрисида республикада биринчи бўлиб рапорт берди. Далада ҳали пахта кўп. Бригада меҳнатчилари ўз олдиларига ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш вазифасини қўйдилар. 45 теримчининг ҳар бири мавсумда камида 8 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олди.

Шу хўжаликнинг Ф. Исмонлов, Соатли районидаги Наримонов номли колхознинг П. Қосумов бошлиқ бригадалари ва бошқа бир қанча бригадалар ҳам йиллик топшириқларни бажариб қўйдилар.

Тадқиқотчи ҳузурида

МЎЪЖИЗА ЧИГИТ

Одамлар пахтадан озмунча хилма-хил маҳсулот оладими? Камалакдек товланувчи газламалар, хушбўй мойлар, серқўлик совун, глицерин хилма-хил емлар, витаминлар... Пахтадан олинадиган бойликларни санаб ado қилиш қийин. Ундан икки юз хилдан қўпроқ нарсалар олинади. Чигит магзидан мой чиқариб олингандан кейинги шрот (турп) хамиша чиқинди ҳисобланиб, молга берилади. Маълум бўлишича, ундан янада яхшироқ фойдаланиш йўли ҳам бор экан. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари химияси институтида шу нарса аниқланди.

— Бунинг қанақа нон эканлигини айтиб бера олмайсизми? — сўради СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Ю. Юнусов; — бир бурда ушатиб еб кўрингчи?

Бўрсиллаб турган қип-қизил нон ширин ва хушбўй, тўйимлидир. Нон ҳамнирига чигит магзининг уни қўшиб ёпилган.

Бу ун ғоят серoқсил, —деб шарҳлайди олим. Институтимизнинг ходимлари узоқ изланишлардан сўнг мойи олинган чигит магзи-шротдан шундай ун олишга муваффақ бўлдилар. Унинг таркибида 50 процентгача оқсил модда бор. Ҳозир заводларда шрот қўйиб юборилмоқда.

Маълумки, оқсил ҳаёт негизидир. Бутун дунёда оқсил ресурслари сабот билан ишланмоқда. Совет Иттифоқидаги олимлар ҳам соя, қунгабоқар ва пахта каби экинлардан озуқа оқсили ажратиб олиш муаммосини ечиш ҳаракатлари билан шуғулланмоқдалар. Бунинг учун институтда 1966 йил ўсимлик оқсиллари химияси лабораторияси барпо этилди. Бу ерда ўтказилган тажрибалар чигитга ғоятда муҳим ва истиқболли оқсил манбаи деб қараш мумкинлигини кўрсатди. Лекин чигитдан оқсил ҳосил қилиш анча мураккаб жараён.

Лаборатория мудири Ф. Х. Йўлдошев турли шротлардан ажратиб олинган оқсил намуналари билан таништиради:

— Институт коллективи оқсил ҳосил қилишнинг учта асосий усулини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Булар кислотали муҳитда ўтувчи тузли, ишқорий ва экстракция методларидир. Экстракция методи энг нафли эканлиги тажрибалардан маълум бўлди. У танлаб оқсил олишга имкон бергандан номатлуб аралашмаларни чиқариб юборишга ёрдам беради. Айни маҳалда шротнинг бошқа қимматли компонентларидан ҳам фойдаланилади.

Фаттоҳ Хўжаевич қўлида пробирка ушлаб турибди. Пробиркада ундек оппоқ порошок-шротдан олинган оқсил бор. Оқсилнинг таъми йўқ.

— Шунисн жуда қўл келади, — деб таъкидлайди олим, — айни муддао. Уни асосий маҳсулот, масалан, буғдой унига бемалол аралаштираверишг мумкин. Оқсил буғдой унининг таъми ва бўйини ўзига олади. Шундай қилиб, биз таркибида оқсили мўл нон еймиз, у жуда қимматли оқсилдир. Бу ерда гап одамга жуда зарур аминокислоталар устида бораётир. Гап шундаки, бизнинг организмимиз шундай кислоталардан баъзиларини ишлаб чиқармайди, балки озуқа маҳсулотларидан олади.

Тошкентдаги нон заводларидан бирида Бутуниттифоқ нон саноатин илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда чигит оқсили қўшилган буғдой унидан нон ёпилди. Нон Москвага юборилди. Билимдон синовчи-дегустаторлар нонинг таъми ва тўйимлилиги жуда яхши, деган якдил фикр билдирдилар. Чигит оқсили кондитер маҳсулотларига ҳам қўшиб кўрилди. Бу янгилик Умумиттифоқ кондитер саноати илмий-тадқиқот институтида юксак баҳо олди. СССР Медицина фанлари академияси озиқ-овқат институтининг ходимлари ҳам шротдан олинадиган оқсил одам организмига ғоятда қимматли деган хулосага келдилар.

Чигит оқсилига шу таҳлитда ҳаётга йўлланма берилди. Лекин бу ишнинг иқтидоси, холос. Ҳозирча оқсил лаборатория шароитида ҳосил қилинмоқда. Чигит магзидан озуқа оқсили олинадиган тажриба установкаси барпо этилди. У бир кунда 50 килограмм қимматли маҳсулот ҳосил қила оладиган ўзига хос кичик бир заводдир.

— Бундай кичик заводлардан катта-катта заводларга ўтиш вазифаси турибди, — дейди техника фанлари доктори Т. Т. Шокиров. Ушанда биз чигитдан минг-минглаб тонна оқсил, фитин ва бошқа қимматли маҳсулотлар олабиламиз. Йигирма сўмга тушадиган бир тонна шрот 150 килограмм оқсил, 30 килограммгача фитин, 1 килограмм рафиноза (1 килограмми 500 сўмгача боради), полисахарид беради, қолган ардобида аминокислоталар, пептидлар, витаминлар ва бошқа қимматли маҳсулотлар бўлади. Чиқиндида мана шунақанги резервлар бор! Ўзбекистоннинг ўзидагина чигит магзининг шротидан 500 минг тоннагача, бутун мамлакатда эса 900 минг тоннагача ўсимлик оқсили ҳосил қилиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқарилди.

— Чигитда, — деб гапга аралашади С. Ю. Юнусов, — ҳақиқатда мўъжизавий бойликлар бор. Шундан тўла-тўкис фойдаланмоқ керак. Табиат оқсил синтезига ўсимлик мойи ҳосил қилишга қараганда беқиёс кўп энергия сарфлайди. Бинобарин, чигит магзидан мой ҳосил қилиш технологиясида қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлмиш оқсил тўла сақланмоги лозим. Бу вазифа назарий жиҳатдан ҳал этилди. Институтимиз олимлари чигит магзини қиздирмасдан ва форпресддан ўтказмасдан мой чиқариб олиш янги методини ишлаб чиқдилар. Бундай мой рафинация этиш (тозалаш)ни ҳам талаб қилмайди.

Эндиги иш саноатда қолди. Химикларнинг кашфиёти уларнинг олдига янги-янги вазифалар қўяди. Мой экстракция корхоналарини бошқа технологик изга тушириш заворати туғилди. Чигит магзидан оқсил чиқариб оладиган янги техника керак. Бу проблеманинг тез ҳал этилиши катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга.

И. МУҚИМОВ,
(«Правда» мухбири, 1 сентябрь).
Тошкент шаҳри.

КИЧКИНТОЙЛАР ҲАҚИДА ГАМХЎРЛИК — ҲАММАНИНГ ИШИ

УМИД ҒУНЧАЛАРИ

Биз «Коммунизм» колхозининг Лутфулла Мамадалиев бригадаси дала шийпонидамиз. Шийпоннинг икки хонаси мавсумий ясли учун ажратиб қўйилган. «Бригада мавсумий ясли»си деб ёзиб қўйилган мўъжазгина биринчи хонага кирдик. Оқ халатли икки тарбиячи бизни илиқ кутиб олди. Хона девори кичкинтойлар эътиборини жалб этувчи чиройли расмлар билан безатилган. Бир тарафда турли ўйинчоқлар териб қўйилган шкаф. Хона ўртасига стол-стулчалар терилган.

Хонанинг иккинчи томонига юмалоқ стол қўйилиб, «Оталар бурчаги» ташкил этилган. Бу ерда болалар тарбиясига доир турли брошюралар ва плакатлар бор. Мавсумий ясли ва «Оналар бурчаги» ҳам ишлаб турибди.

Хонага кирганимизда тарбиячиларнинг бири Ҳафизахон Азларшоева кичкинтойларга қизиқарли эртакни айтиб бераётган экан. Иккинчи тарбиячи Мавжуниса Тожибоева эса кичик ёшдагиларга чиройли ўйинчоқлар бериб, овутиб ўтирибди. Уларнинг ҳар иккиси ўнинчи синфни тамомлагач, район халқ маорифи бўлими ташкил этган бир ойлик тарбиячилар курсида ўқиб қайтишган.

— Колхозимиздаги 12 та пахтачилик бригадасининг тенг ярмидаги мавсумий яслиларда ишлаётган тарбиячилар ўрта маълумотга эга, — деди колхоз партия комитетининг секретари В. Тожиев.

Дала шийпонидаги иккинчи хона — ёшхона ҳисобланади. Бу ерда оппоқ нойпўшлар, парда ёстиқчалар, сим тўр вроватлар қўйилган. Овқат эса марказлаштирилган ҳолда тайёрланади ва у шу ерга етказиб берилади. Мева-чева колхоз боғидан, сут эса чорвачилик фермасидан келтирилади. Ҳамма болалар колхоз фонди ҳисобидан ёзлик кийим-кечак билан таъминланган.

— Биз дала шийпонларидаги мавсумий яслилар шарт-шароитини марказий боғча-яслилар даражасига кўтариш учун ҳаракат қиляпмиз, — дейди Чуст район партия комитетининг секретари Ф. Раҳимова. — Ҳозир 201 та дала шийпонидан 120 тасида ана шундай кичкинтойлар маскани ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, район хўжаликларида мавсумий яслилар ишини яхшилаш йўлида катта ишлар амалга оширилянти. Энгельс номли колхознинг 1, 2, 3-бригадалари учун тўқсон ўринли боғча-ясли биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ярим гектар майдонни эгаллаган бу ошхонаси кичкинтойларнинг соғлом, давримизга муносиб кишилар бўлиб етишишлари учун ҳамма шароит муҳайё. Умуман, Чуст районида ҳамма дала шийпонларидаги мавсумий яслилар шароитини марказий боғча-яслилар даражасига кўтариш, беш йиллик охиригача ҳар бир колхоз ва совхозда бригадаларо марказлашган болалар муассасаси ташкил этиш учун қизғин кураш кетяпти.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика суд органларида узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси Игорь Евгеньевич Жуковга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми улгуржи нархларни такомиллаштириш ишида актив қатнашганлиги ва республика молия органларида узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нарх-наво Давлат комитетининг бўлим бошлиғи Илья Гаврилович Хўжандиевга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика социал таъминот органларида узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги учун Қашқадарё область социал таъминот бўлимининг мудири Олим Фатҳуллаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми пахта тозалаш саноатида узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Енгил саноат министрлигига қарашли Ўрта Осиё ихтисослаштирилган «Союзлегпромпусконаладка» трести монтаж-созлаш бошқармасининг бошлиғи Владимир Васильевич Зиковни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Қишлоқ хабарлари

✦ **ФАРҒОНА.**

Ленин номли ТЭЦнинг еттинчи агрегати капитал ремонтдан кейин муддатидан икки кун олдин ишга тушди. «Ўзбекэнергоремонт» участкасининг бригадалари ўз мўҳобил планларини бажара бориб, уч семенада меҳнат қилдилар. Бунда Ш. Халалаев, Н. Азизов. И. Маркин бошлиқ коллективлар мусобақада ғолиб чиқишди. Мажбуриятда белгиланган муддатда, ремонт бошланганидан кейин 28 кун ўтгач козон иш режимига туширилди. Станция планга қўшимча суратда 2 миллион киловатт-соатга яқин энергия ҳосил қилди.

✦ **АНДИЖОН.**

Бу ерда дастлабки етти қаватли уй қурилади. Биринчи уй-жой микрорайонида танлаб олинган майдончада лойиҳани мослаштириш ишлари бошланди. Бу уй оралари ғишт билан тўлдирилган яхлит темир-бетон каркасдан иборат бўлади. Уни қуриш «Облколхозстрой» трестининг еттинчи механизациялашган колоннасига топширилди.

✦ **ҚАРШИ.**

Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида ташкил этилган ашула ва рақс ҳаваскорлик ансамблига баҳор байрами «Наврўз» номи берилди.

Ёш ансамбль Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига катта концерт программасини тайёрлади. Ҳаваскор артистлар йиғим-терим даврида пахтакорларга ўз санъатларини намойиш қиладилар.

(ЎзТАГ).

КАСБНИ ЭЪЗОЗЛАБ...

Назира «Союзпечать»нинг киоскаларида аҳолига газета ва журналлар сотиш билан банд бўлган минглаб ходимлардан бири. Келтирилган газета ва журналларни саралаб, саранжом-саришта қилиб, харидорларга вақтида етказиб бериш унча қийин эмасдек туюлади. Лекин ўз ишини севган, одамларга оддийгина хизмат қилмай, балки уларга янгиликларни, хушхабарларни эълтувчи газета ва журналларни тарқатаётганини тушуниб етган киши кўп иш қила олишини Назира амалда кўрсатмоқда.

У ишлаётган киоска Тошкент шаҳрининг гавжум, серқатнов чорраҳасида эмас. Одатда киоскачилар ана шундай жойни танлайдилар, орзу қиладилар. Бу табиий албатта. Газета савдоси қизғин бўлишини, келтирилган журналлар тезда қўлма-қўл бўлиб кетишини исташади. Аммо, Назиранинг киоскаси шаҳардаги шифохоналардан бирида — Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий текшириш институти ҳузуридаги клиник касалхонада жойлашган. Шу ерга даволаниш учун келган турли кишиларга газета сотади. улар билан муомала қилади. Қисқа вақт ичида ҳаридорларнинг характерини, қизиқишини, улар қандай газета ва журналларни севиб ўқишини билиб олади. Худди шу нашрларни етказиб беради.

Шифохонада ҳар хил беморлар бор. Ўрнидан туролмайдиган, юра олмайдиган беморлар ҳам Назира

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Абдурахмонованинг эътиборидан четда қолмайди. Ана шундай беморлар қайси палатада эканлигини аниқлаб, улар билан суҳбатлашади, қандай газета ёки журналларни ўқишни хоҳлашини суриштириб билади. Шундан сўнг палатага мунтазам равишда янги газеталарни келтириб туради. Шунинг учун ҳам беморлар Назирага чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиришади. Сотувчи учун эса ана шунинг ўзи энг катта мукофот.

Назира Абдурахмонова деярли ўн йилдан буён шу жойда ишлаётган. Уни шифохонадагина эмас, Тошкент шаҳрининг Киров районида кўплар танийди. Назирани кутубхоналарда, кинотеатрларда, бошқа маданият муассасаларида учратиш мумкин. Бу муассасаларга у ўз жамоатчилик бурчини бажариш учун вақт топиб келади. У район Советининг депутати. Меҳнаткашлар иккигалдан буён Назирага катта ишонч билдириб, уни депутатликка сайлашди. Ана шу катта ишончни оқлаётган бўладими!

Назира Абдурахмонова район Совети халқ маорифи ва маданият доимий комиссиясининг аъзоси сифатида маданий-оқартув муассасаларининг ишлари билан, уларнинг ташвишлари билан, «Союзпечать» район бўлими киоскаларида газета ва журналлар тарқатилиши билан мунтазам қизиқиб туради. Яқинда у доимий комиссиянинг бошқа аъзолари билан биргаликда кинотеатр ва кутубхоналарнинг қишки мавсумда ишлашга қандай тайёргарлик кўраётганини текширишда қатнашди. Текшириш якунлари ижроком мажлисида муҳокама қилинди ва мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Ўз ишига меҳр, садоқат, кишиларга ҳурмат-эътибор билан қараш — депутат Назира Абдурахмонованинг фазилатлари ана шундай. Шунинг учун ҳам у ўз хизмат жойида ойлик ва квартал планларни ортиги билан бажарибгина қолмай, депутатлик бурчини ҳам шараф билан ўтамоқда.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

МАКСИМ ГОРЬКИЙ ҲАЙКАЛИ ОЛДИДАГИ ЎЙЛАР

ЯНГИ ДАВР БОШЛАГАН АДИБ

Воҳид ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

Ўз бошланғичини узоқ мозийдан оладиган ҳамда ҳар хил тилда сўзлайдиган башарият ва бадиият тарихи тўфонли ҳаёт ва оташли олишувлар марказида яшаган не-не гениал санъаткорларни билмайди! Уларнинг ҳар бири ўзича бир тарих, ўзича бир олам, ўзича бир оқим. Уларнинг ҳар бири умуминсоний жаҳон маданиятининг муҳташам ва гигант кошонасини қуришда ўзининг улкан ва абадул-абад боқий ҳиссасини қўшди. Лекин Максим Горький алоҳидадир. У ҳам шулардан бири шулар заминида унган, ўсган ҳам шулар орасида мустасно ўрин эгаллаган. У шу даражада улуғдир.

Худди шундай. Горький деганимизда энг аввал энг улуғ инсон, «энг инсоний инсон» (В. Маяковский таъбири) — Владимир Ильич Ленининг замондоши ва маслакдоши, меҳлаҳатгўйи ва сафдоши кўз ўнгида гавдаланади. У, шу энг буюк зотдан тарбия ва таълим олди, қарийб ҳамиша ва ҳар қандай оғир вақтларда, мураккаб ситуацияларда, чигал масалаларда, эл-у юрт тақдирини ҳал қиладиган муаммоларга муносабатда шу улуғ зот билан бирга бўлди, ҳамдам ва сирдош ҳисобланди. Шунда ўз ҳаётининг туб маъносини кўрди. Шу улуғ зот туфайли ижодий улғаяверди, тушунмаганларини тушуниб борди, камолот чўққиларига кўтарилди. Натижада унинг улкан ижоди шу гениал зот ғояларининг ҳайратомуз бадиий ифодаси бўлди. Узоқ қураш йилларининг тиниқ ойнаси ва тоза акс садоси бўлди.

Ҳа, Горький деганимизда, эски Россиянинг, унинг чекка ўлкаларининг, шу жумладан Туркистоннинг қолоқлиги ҳамда қашшоқлигига қарши актив бош кўтарган ва тараққиётини таъмин этиш томон етаклашга уринган, шу руҳда тарбиялашга тиришган исёнкор кўз ўнгига келади; ўшал Россияни оёқ ости қилган, таҳқирлаган, уни миллион-миллион мазлумларнинг, муҳтожларнинг қонли ёшлари, ғазаби ва фарёдлари билан тўлдирган чоризм ҳамда буржуазия билан, уларнинг жандармаси, қиличи ва қонун-лари билан қурашган, Клим Самгин, Егор Буличев, Фома Гордеев, ҳамда «Тубанлик» («На дне») ва «Мешчанлар» билан олишган; эзилганларни «Бўрон қуши»ва Данко руҳида тарбия қилган ажойиб паҳлавон кўз ўнгида гавдаланади. Жаҳон инқилобий ҳаракатлари марказига айланган ўшал Россиядаги инқилоб «Она»ларини куйлаш ва ардоқлашда, уларга мададкор бўлишда, умуман Россияни, унинг халқлари онгини халоскор Октябрга тайёрлашда фаол иштирок этган улуғ кўмакдош ва ислоҳдош кўз ўнгимизда рўй-рост кўринади; шу кураш, олишиш ва тайёрлашнинг бадиий қомуси сифатида намоён бўлади унинг ижоди.

Горький асрлар мобайнида зулм, зўравонлик ва хунрезлик исканжасида бўлган дунёни илк бор соғлом акл талаблари ҳамда адолат принциплари асосида ағдар-тўнтар қила ва янги тарих ярата бошлаган Улуғ Октябрь инқилобининг оташқалб жангчиси ва жарчиси бўлди.

Горький деганимизда, улуғ Ленин революцияси оқибатларини, Совет ҳокимияти ва озодликни ниҳоят даражада оғир ва мураккаб шароитларда мустаҳкамлашда, янги социалистик жамият яратиш режаларини тарғиб этиш ҳамда амалга оширишда, тишига қадар замбарак ва заҳар билан қуролланган ички ва ташқи ёвларни тор-мор этишда, ёт мафкуралар ва зулматли бидъат-у одатларга қарши ўт очишда катта ҳисса қўшган энг ажойиб сиймолардан бўлиб кўзимиз ўнгида гавдаланади. У, «Бизнинг мамлакатда ҳатто тошлар ҳам қўшиқ айтади-куйлайди...» деб, улкан бадиий Советномани яратди...

Ҳа, Горький деганимизда, ички-гина эмас, ташқи душманлар — фалокатли қутурган империализм ва ҳалокатли фашизмга қарши курашда, халқаро инқилобий-озодлик ҳаракатларини равнақ топтиришда, халқлар тинчлиги, дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлашда актив иштирок этган, башариятнинг ажалфуруш, кўзига қон тўлган ва урушқоқ «сариқ иблис» тақдиди остидаги тақдири ҳақида ўта зўр ташвиш. тақлика ҳамда ғамхўрлик тўла машҳур «Маданият устаси, сизлар ким билан?» (1932 йил!..) номли очиқ ниҳо ила барча дунё зиёлиларига мурожаат қилган, жаҳонни титратган, одамларни бош кўтараётган фашизм балосидан огоҳлантирган улуғ интернационалист ва гуманист мубориз кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Горький бадиий сўз санъати тарихида биринчи бўлиб янги, энг илғор ва ростгўй, энг илғор ва актив ижодий методга асос солди. Бу ўта қудратли қурол ва воситага ҳосдир: революцион реализм ва революцион романтизм; коммунистик дунёқараш ва юксак бадиийлик; революцион гуманизм, патриотизм, интернационализм ва актив халқчиллик; революцион ҳужумкорлик ва принципиал партиявийлик; антиинсоний эски жамиятни бузиб ташлаб ва тарихга топшириб, унинг қаролари ўрнига тамомила бошқа, том маънода гўзал инсоний социал воқелик барпо этиш...

Мана, улуғ ёзувчининг шулардан иборат бўлган эстетик кредоси:

«Кишилар хушоҳанг товушларни, ёркин бўёқларни севадилар, атроф-теваракларидаги нарсаларни бўлганидан кўра яхшироқ, кўркамроқ қилишни яхши кўрадилар. Санъат яхши нарсани, у яна ҳам яхшироқ бўлиши учун бўрттириб кўрсатишни, инсонга зид, уни расво қиладиган ёмон нарсаларни ҳам бўрттириб кўрсатишни мақсад қилиб кўяди, — токи булар кишида нафрат уйғотсин, қабиҳ, очкўз, мешчанлик вужудга келтирган ҳаётнинг шармандали разилликларини йўқ қилиш иродасини англатсин. Санъат асос эътибори ила бирон нарсани ёқлаш ёки **унга қарши** курашиш демакдир, Бефарқ санъат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Инсон фотография аппарати эмас, у воқеликни «қайд этмайди», балки ё уни тасдиқлайди, ёки ўзгартиради, емирадир».

Горький ўзи яратган метод ва шу асосда ёзган қудратли, ҳамиша барҳаёт асарлари билан бутун башариятнинг илғор бадиий маданияти тараққиёти тарихида янги даврни бошлаб берди, адабиётда том маънода революция ясади, янги олам яратди. Бутун инсониятнинг туб манфаатлари ва тақдирларига тааллуқли ўзак масалаларни актив тарзда қамраб олди ва уларни ўша тақдирлар манфаатига мос ҳолда актив ёритишга бутун даҳоси ва қалб ҳароратини сарф қилди. Тасодифий эмаски, барча беш қитъадаги улуғ ёзувчилар унинг қошида таъзим қилдилар, унинг самарали таъсири ва таълими учун чуқур миннатдорлар. Француз А. Франц ва Р. Роллан, америкалик Т. Драйзер ва Ж. Лондон, чилилик Пабло Неруда, турк Назим Ҳикмат, инглиз Б. Шоу, даниялик Андерсен-Нексе шулар жумласидандир. Улардан бири Горькийни «янги оламнинг жонли мужассамидир» деди, бошқаси: Горький бизнинг замонда бутун дунёга янги йўллар очиб бераётган буюк машъалдир...» деди.

Айниқса беполён Ватанимиз бадиий маданиятида унинг роли ва ўрни улкандир. Улуғ рус совет адабиёти ва унинг машҳур вакиллари ўз ижоди ва улканлиги бошланғичини, бадиий тарбиясини, сабоқни Горькийдан олдилар. Украина ва Эстония, Арманистон ва Ўзбекистон халқларининг янги бадиятида ҳам шундай. Бошқа қардошларда ҳам шундай. Унинг ажойиб ва жанговар меҳр-муҳаббат тўла новатор овози ўзбекка инқилобдан олдиноқ бўронли баҳор шабадасидай етиб келган ва ўзининг сафоли, саодатли ҳамда таъсирли ишини қила бошлаган эди. Совет даврида, эса, барчамизга ғоят машҳур ва яқин бўлиб, буткул ўзимизникига айланиб кетди. Асарлари тилимизга таржима қилинди ва миллий мулкимиз бўлиб қолди. Улуғ Ҳамид Олимжон уни, Университетим, деди. Қуйидаги самимий эътироф ва қаяжон тўла сатрлар эса буюк Ойбек қаламига мансубдир:

«Горькийнинг сиймосига сажда этишга қадар муҳаббатим зўрдир унга. Адабиёт оламининг улуғ қояси Горький ҳаммамизнинг суянган тоғимиз, фахримиз, қуримизидир. Инқилобнинг буюк тўлқинларида, даҳшатли оловида яшаб, ижод этган бу зўр адиб бутун дунё меҳнаткашларининг севиб ўқийдиган адибидир».

Ҳамза ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Яшин, Шароф Рашидов ва Зулфия, Ўйғун ҳам ўша Университетдан чиққан...

...Мана, куни кеча бу гениал сиймога унинг ўзи чексиз севган Совет Шарқидаги ўта қадимий, навқирон ва улкан шаҳарлардан бири — гўзал Тошкентда тантанали суратда ҳайкал қўйилди. Бу обида унинг буюклиги, жонажонлиги ва меҳрибонлиги ҳурмати учун қўйилди. У, мўъжизакор инқилобий санъат ижодкорига, уни башариятга берган улуғ рус халқи даҳосига, уни тарбиялаган Ленин партияси донолигига тасанносининг тимсолидир.

Тошкент области. Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи шарафига пахтадан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Ҳосилдорликни оширишда илғор сувчи С. Мухтазовнинг ҳиссаси катта. У ёз бўйи ғўзаларни қондириб суғоришни таъминлади. Суратда: С. Мухтазов ғўза ораламоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОРЛАР МИНБАРИ

МУНОСИБ ТЎЕНА

Шу кунларда ҳаммамизнинг фикри-зикримиз битта олижаноб мақсадга — жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини муносиб тўёна билан кутиб олишга қаратилган. Бу қутлуғ айёмга биз нинг асосий совғамиз — Ватанга мўл ва аъло сифатли «оқ олтин» етказиб бериш, юбилей йилидаги аҳдимизга вафо қилишдир.

Қўшқўпир районининг 53 минг тоннали хирмонига колхозимиз 5 минг тонна, бригадамиз эса 400 тонна «оқ олтин» билан ҳисса қўшадилар. Бошқача айтганда, районимиз бўйича ҳар гектар ердан 38 центнердан, колхозимизда 45 центнердан, бригадамизда 50 центнердан пахта ҳосили йиғиб олинади.

Қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, далаларда юксак меҳнат буриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада юқори ҳосил етиштирилди. Бугун кўз ўнгимизда шода-шода кўсаклар, чаноқларда қаймоқдек тошиб турган «оқ олтин» жилва кўрсатиб, дилимизни хушнуд этяпти.

Мўл ҳосил жуда катта меҳнат билан, қийинчиликларни енгиш йўлида мислсиз жасорат кўрсатиш туфайли бунёд бўлганлигини ким билмайди дейсиз. Магистрал каналнинг қуйи қисмидан сув ичадиган бизнинг колхозимизда айниқса ҳар томчи сувнинг қадр-қимматига етиш талаб этилди. Ёзда қарадрина деган офатни тўгатиш учун ер-у осмондан ҳамла қилиб, ҳосилни сақлаб қолдик. Дўл урган ғўза қаддини ростлагунча кеча-ю кундуз далада бўлдик. Тўғриси, бу йилги августда дам олишга вақт ва имконият топилмади. Ғўзаларга икки марта комплекс ишлов берилди, далага «шарбат» оқизилди, бегона ўт йўқотилди.

Тўкилган пешана теримиз, матонатимиз самараларини кўриб ҳорғинлик тарқалиб кетди, ғайратимизга-ғайрат қўшилди. Денгиз тубидан дур-жавоҳир кўтариб чиққан ғоввослар каби эркин нафас олиб, енгил тортдик.

Аммо, етиштирилган мўл ҳосил ҳали хирмонга тўкилмаганлигини, чаноқларда турганлигини, олдимизда катта синов, ҳал қилувчи мавсум бизни кутаётганлигини яхши тушунамиз. Ана шу имтиҳондан муваффақиятли ўтсак меҳнатимиз ўрнига тушади юзимиз ёруғ бўлади.

Йиғим-терим суръатини тезлатиш, пахта ҳосилини ўз вақтида ва нобуд қилмай йиғиб олишда «зангори кема»лар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, колхозимизда 2800 тонна пахта, бригадамизда бутун ҳосилнинг 80 проценти машиналарда терилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида 1974 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш тадбирлари белгилаб берилган. Биз қарорга риоя қилиб, машина теримига ҳер тарафлама пахта тараддуд кўрдик.

Колхозимиздаги мавжуд 22 та терим машинаси, шу жумладан 14 та «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли машина аъло сифатли ремонт қилинди. Тележкалар, кўчма устаҳоналар теримга қарата созлаб қўйилди. Машина теримига ажратилган 800 гектар майдон бегона ўтлардан тозаланди. Ҳар бир группага карталар биркитилди.

Машина терими унумдорлиги ва сифатини кадрлар ҳал қилади. Бу йил теримни икки сменада ташкил этиш учун имконият яратилди. Теримда 44 механик-ҳайдовчи доимий ишлайди.

Мен бригадага бошчилик қилиш билан бирга ҳар йили мавсумда 150 тоннага етказиб пахта термоқдаман. Бу йилги аҳдим 200 тонна. «Ўзбекистон» агрегатида бир сменада ўзим ишлаб, шахсий ибрат кўрсатишга бел боғладим. Воҳамизнинг машҳур механизаторларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўғилжон Нуруллаева, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Гуласал Полвонова билан мусобақалашиб, аҳдимга вафо қилишга сўз бергانман. Бригадамизга қарашли 87 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш юзасидан улан мажбуриятимиз юбилей кунига қадар сўзсиз бажарилади.

Кўсакларнинг етилиши ва пахтанинг очилишига қараб дефолиацияни сентябрнинг дастлабки кунларидан ўтказиш ва ғўза баргини сифатли тўктириш, шундан кейин машина теримига киришиш кўзда тутилмоқда. Бу йил ташқаридан теримчи елламасликка, ўқувчиларни теримга жалб қилмасликка қарор қилдик. Механик-ҳайдовчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари белгиланди.

Парвозга шай бўлиб турибмиз. «Зангори кема»лар тайёр, далалар тахт. Машиналар жавлон урадиган вақт яқин. «Пўлат от»лар қанотида маррага тез етиб бориш ва пойгада ўзиш юбилей йилидаги армуғонимиз билан элни қувонтириш эзгу мақсадимиздир.

Гулчеҳра МАТЁҚУБОВА,
Қўшқўпир районидаги Ленин номли колхознинг бригадир-механизатори.

Планетамизда ХАЛҚАРО ОБЗОР

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ ТУГАДИ

САНО, 2 сентябрь. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов бошчилигидаги Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик совет комитети делегациясининг визити тугади. Делегация Яман Араб Республикаси тинчлик тарафдорлари комитетининг таклифига биноан бу ерга келди.

Делегация Яман Араб Республикасида бўлган чоғида уни Яман Араб Республикаси қўмондонлиги кенгашининг раиси Иброҳим ал-Ҳамдий, ЯАР бош министри Мухсин ал-Айний қабул қилди. Делегация Ҳувайдо ва Таиз шаҳарларига бориб, турли саноат корхоналари ва маданий муассасаларни кўздан кечирди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БЕРЛИН. Франкфурт-одерда ГДР тинчлик кенгаши президиумининг яқинда ўтказиладиган халқаро тинчлик кунига бағишланган мажлиси бўлди. ГДР тинчлик кенгашининг раиси Г. Дрефаль доклад қилиб, Совет Иттифоқи етакчилик қилаётган социалистик ҳамдўстлик тобора мустаҳкамланаётганлигини таъкидлаб ўтди. Мажлис қатнашчилари империализм ва реакцияга қарши курашаётган барча халқлар билан бирдам эканликларини таъкидладилар. Улар Чили Компартиясининг бош секретари Луис Корваланнинг ва чилилик барча бошқа ватанпарварларнинг дарҳол озод этилишини талаб қилдилар.

◆ ВЕНА. Бу ерда нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти иқтисодий комиссиясининг мажлиси бошланди. Комиссия ишининг кун тартибида турли масалалар юзасидан, жумладан нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар министрларининг махсус конференцияси учун шу йилнинг сўнгги кварталида нефтнинг нархи хусусида тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи бор. Бу махсус конференцияни шу йил 12 сентябрда Венада ўтказиш мўлжалланган.

◆ ЛОНДОН. Автомобильсоз ишчилардан қарийб 30.000 киши «Крайслер» ва «Бритиш лейланд» компанияларига қарашли бир қанча заводларда забастовка давом этаётганлиги муносабати билан ишга чиқмади. Бу корхоналарнинг ишчилари иш қийинлигини оширишини талаб қилмоқдалар.

◆ БРЮССЕЛЬ. Бельгиянинг Кнокке шаҳарчасида очилган 6-халқаро поэзия ҳафталигида турли мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан борган 400 дан ортиқ шоир иштирок этмоқда.

◆ ЖАЗОИР. Жазоир Халқ Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси Х. Бумиддин Португалия Гвинея—Бисауни таниганлиги тўғрисида битимга эришилганлиги муносабати билан блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг бошлиқларига мактублар юборди.

◆ ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси бош министрининг биринчи ўринбосари Абдил Азиз Хигази бундай деди: давлат секторида банд бўлган ишчи ва хизматчилар бу йил 100 минг кишидан знёд кўпайди.

Миср Араб Республикаси экономикасининг давлат секторига 1974 йилда капитал маблағ сарфлаш 650,2 миллион миср фунтига етди.

(ТАСС).

ҚАДИМИЙ ЎЛКАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Африка қитъасидаги энг қадимий давлат — Эфиопияда янги йўлга ўтиш жараёни давом этмоқда. Бу жараён бир неча йўналишда содир бўлмоқда. Давлатни бошқаришнинг қўҳна феодал-абсолют структураси ўзгартирилмоқда, давлат аппарати сотқинлик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш билан шармандаи шармисор бўлган шахслардан тозаланмоқда. Ниҳоят, феодал-аристократ зодагонларга қарашли бўлган корхоналарни давлат назоратига олиш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Ислоҳотларни амалга оширишда етакчи роль ўйнаётган қуролли кучлар координация комитети яқинда императорнинг шахсий назоратида бўлган давлат ҳокимиятининг бир қанча юқори органларини тугатди. Жумладан, давлатнинг барча энг муҳим ишларини ҳал этиб келган тахт кенгаши ва олий империя суди тугатилди. Императорнинг шахсий ҳарбий штаби миллий мудофаа министрлиги назоратига ўтди. Шахталарнинг собиқ министри Тесефа Йоханнес Берхе Эфиопия ҳукуматининг составидан чиқарилди ва қамоққа олинди. У миллий ресурслар акционер компанияси йўли билан молиявий ҳийла-наранглар ишлатишда қатнашишда айбланади. Утказилган текшириш ва терговлар бу компания давлат ҳазинасидаги маблағларни юқори мартабали амалдорлар ҳамёнига солиш воситаси бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатди. Бошқа бир қанча шахслар, шу жумладан император саройнинг давлат министри Мескал Вольде Селассие ҳам қамоққа олинди.

Давлат аппаратига сотқинлик фактларини текшириш учун тузилган махсус комиссия эса қурғоқчилик рўй берган вилоятларда очликдан ҳалоқ бўлган неча ўн минглаб кишиларнинг ўлими учун масъулиятни Аклилу Абте Вельда бошлиқ собиқ ҳукумат зиммасига юклади. Бу ҳукумат шу йил апрель ойида ағдариб ташланган эди. Собиқ министрлар очларга ёрдам бериш учун мўлжалланган давлат маблағларини жиноятқорона талон-тарож қилганлар ва бир қанча областларда содир бўлган фожиали ҳолат тўғрисида қасддан лом-мим демаганлар.

Қуролли кучлар координация комитети феодал-аристократ зодагонлар ва император ҳонадони аъзоларининг мулкларини давлат назоратига олиш мақсадида шу пайтгача император Хайле Селассие —1 ихтиёрида бўлган саройларни давлат мулки деб эълон қилди. Бундан ташқари, миллий ресурслар акционер компанияси, мамлакатдаги энг йирик автобус компанияси ва йирик феодаллар ҳамда император ҳонадони аъзолари ихтиёрида бўлган бошқа бир қанча корхоналар национализация қилинди.

Қуролли кучлар координация комитети Микаэль Имру бошлиқ янги ҳукумат билан биргаликда сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўлини амалга ошириш билан бирга ўзининг кейинги баёнотида яна қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: шу йил февраль ойида бошланган ҳаракатдан кузатилган мақсад — Эфиопияни бошқаришнинг эскириб қолган системасидан ва бу системага хос бўлган сотқинлик ҳамда жабр-зулмдан халос қилиш, шунингдек жамиятни социал, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила қайта қуришдан иборат.

КИПРГА — ТИНЧЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК

Кипрдаги кескин ҳолат ҳануз сақланиб қолмоқда. Чет эл қўшинлари ҳозирда ҳам бу ороғга юборилмоқда. Кипр халқи — греклар ҳам, турклар ҳам оғир машаққатларни бошидан кечирмоқда. Қочоқлар учун ташкил этилган лагерларда 200 мингдан ортиқ киши бор. Оролнинг экономикасига жиддий путур етказилди. Кипрликлар дучор бўлган машаққат ва азоб-уқубатлари билан НАТОнинг кирдикорлари учун жуда оғир ҳун тўлашга мажбур бўлдилар. НАТО корчалонлари ҳарбий исён йўли билан Кипр республикасини суверенитет ва мустақилликдан маҳрум этмоқчи бўлдилар. Кипр республикаси блокларга қўшилмаган давлатнинг мустақил йўлини ўтказиб келган эди.

Кейинги кунларда Шимолий Атлантика блокидаги баъзи мамлакатлар Кипрга дўқ қилиш ва уни чўчитиш йўлини ўтказиб, Кипр проблемасини Ўрта денгизнинг ана шу районида НАТО стратегиясига мақбул бўлган тарзда ҳал этишга эришиш учун интилмоқдалар. АҚШ, Англия ва НАТОга аъзо бўлган бошқа бир қанча мамлакатлар оролни ана шу блок назоратига олибгина қолмай, балки НАТОнинг шарқий қаноти деб аталган қанотнинг яксон бўлишига ҳалақит бериш учун ҳам урунмоқдалар. НАТОнинг ана шу шарқий қаноти Кипрдаги авантюра натижасида емирила бошлаган эди. Греция НАТОнинг ҳарбий ташкилотидан чиқиб кетганлиги ана шу — оқибатларнинг бири бўлди.

Кипрдаги жуда хатарли вазият оролдаги можаронинг янада кескинлашувига йўл қўймаслик, қон тўкишни тўхтатиш, Кипр халқини унинг бошига тушган фожиадан ҳалос қилиш учун дарҳол самарали тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Совет ҳукумати кескинликнинг ана шу хатарли ўчоғини тезликда бартараф қилиш мақсадида ўз таклифларини илгари сурди. Бу таклифлар ҳозирги пайтда Кипр проблемаси теварагида дипломатик йўл билан қилинаётган ишларнинг шубҳасиз, диққат марказида турибди. Совет таклифлари ҳозирги жаҳоннинг сиёсий қиёфасини акс эттирадиган давлатларнинг муътабар анжуманини чақиришни кўзда тутади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Кипр, Греция, Туркиянинг ва Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган барча давлатларнинг иштироки билан ва бошқа мамлакатларни, жумладан, блокларга қўшилмаган мамлакатларни жалб этиш йўли билан халқаро кенгашнинг чақирилиши. Кипрнинг мустақил, суверен давлат сифатида яшашини ҳақиқатан ҳам таъминлайдиган кипрлик греклар билан ва кипрлик турклар нинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган қарорларни ишлаб чиқишга ёрдам берган бўлур эди.

Гап шундаки, НАТОнинг Кипр мустақиллиги ҳақида гарантиялар беришни кўзда тутган ва 1960 йилда тузилган Цюрих—Лондон битимларига мувофиқ Кипр халқига мажбуран қабул қилдирилган системаси асосиз бўлиб чиқди. Кейинги вақтларда мамлакатда рўй берган воқеалар буни тасдиқлади. «Гарантиялар» системаси НАТОнинг Кипр ички ишларига аралашувини яширувчи бир никоб эди, холос. Бинобарин кўп томонлама гарантиялар бериш зарур эди. Совет Иттифоқи ўз таклифларини илгари суриш билан қўйидаги ҳолатни эътиборга олди: Кипр танглиги Ўрта денгиз ҳавзасида кескинликни авж олдиришга сабаб бўлибгина қолмай, балки умуман тинчлик ва осойишталикни ҳам хавф остида қолдиради. Бундан ташқари, Кипр можароси кескинликни юмшатиш руҳига зиддир. Ҳозирги вақтда кескинликнинг юмшатилиши халқаро муносабатларнинг ривожланишини белгилаб бермоқда.

Жаҳон жамоатчилиги Совет Иттифоқининг ташаббусини табриклаётганлиги, совет таклифлари Кипр танглигини тез ва ҳаққоний тарзда бартараф қилишнинг энг яхши йўли деб ҳисоблаётганлиги бежиз эмас. Греция ва Кипр ҳукуматлари бу таклифларни маъқулладилар. Кипр президенти Макариос бу таклифларни табриклади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари К. Вальдхайм «Кипрдаги аҳволни муҳокама қилмоқ учун кенг кўламда конференция ўтказиш» зарур эканлигини айтди. Социалистик давлатлар ва бошқа кўп мамлакатлар Совет ҳукуматининг ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Аммо, НАТО мамлакатлари ва аввало АҚШ бутун дунёда кенг кўламда маъқулланган совет таклифларини очиқдан-очиқ рад эта олмасалар ҳам, Кипр проблемасини ана шу милитаристик блокнинг тор доирасида ҳал этиш йўлидаги уринишларидан воз кечмаётгирлар. Давлат департаментининг вакили АҚШ «гарантия берувчи» мамлакатлар — Англия, Туркия ва Грециянинг Женева музокараларини давом этиришни ёқлаб чиқмоқда, деди. Бошқа сўзлар билан айтганда, Вашингтон Кипр проблемасини яна НАТО истаган йўл билан ҳал этишга уринмоқда. Ваҳоланки, яқинда бўлиб ўтган музокаралар ҳеч қандай натижа бермаганлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Кипр ҳусусидаги қарорларини бажаришга йўл очиб бермаганлиги ҳаммага аёндир.

Ҳозирги вақтда Кипр проблемасини ҳал этиш соҳасида Хавфсизлик Кенгаши зиммасига катта масъулият юкланган. Хавфсизлик Кенгаши ажнабийларнинг Кипр ишига аралашувини тўхтатишга қаратилган ўз қарорларини амалга ошириш учун ҳамма имкониятларга эгадир. Хавфсизлик Кенгаши Кипр республикасининг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш мақсадида Кипр ҳусусида кўп мамлакатларнинг иштироки билан конференция чақирилишига ва бу билан Ўрта денгизнинг шарқий қисмида кескинликнинг хатарли ўчоғини тугатишга ёрдам бера олади.

ИСРОИЛ КЕСКИНЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Резервдаги неча ўн минглаб кишиларнинг Исроил армиясига сафарбар қилинганлигини, босиб олинган Синай ярим оролида ҳарбий маневрлар ўтказилаётганлигини Исроил бош министри Ийхак Рабин «Октябрдаги урушдан кейинги энг катта воқеа» деб атади. Ливанга қарши қуролли ирғоғарлик ва Сурияга таҳдид, Тель-Авивда уруш васвасаси давом этирилмоқда. Тель-Авивда шаҳар аҳолисини бомбадан сақланадиган жойларни қуриш учун ҳайдаб олиб кетмоқдалар, ўқувчиларга эса «армияга техникавий ёрдам» бериш «ҳунари»ни эўр бериб ўргатмоқдалар...

Исроил ҳарбийлари арабларга қарши урушга тайёрланиш каби хатарли йўлга яна ўтганлигидан далолат бераётган ва аниқ кўриниб турган айрим нишоналар шулардан иборат. Қоҳирада чиқадиган «Ал-Аҳром» газетаси ҳақли суратда таъкидлаб ўтганидек, Тель-Авив «ҳозирги вақтда ҳарбий йўл билан ҳар қандай ирғоғарлик қилишга шай бўлиб турибди..., Исроил ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам Яқин Шарқ районидаги вазиятни мушкуллаштириш, кескинликни авж олдиришни истайди».

Бундай тадбирлар Тель-Авивга зарур бўлиб қолганлигининг боиси ҳеч кимга сир эмас. Исроил ана шу ҳуруржлари билан Яқин Шарққа бағишланган Женева конференциясини давом эттиришга ҳалақит бериш, Исроил қўшинларини босиб олинган араб ерларидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймаслик, Фаластин проблемасининг ҳал этилишига тўсқинлик қилиш учун уринмоқда.

Тель-Авив кескинликни қасддан авж олдириш сиёсатини Исроилнинг ҳарбий министри Ш. Перес ва ташқи ишлар министри И. Аллон бирин-кетин Вашингтонга борган вақтда айниқса кучайтириб юборганлиги ҳам араб мамлакатлари пойтахтларининг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ливанни ҳужум қилиниши мумкин бўлган асосий объект деб ҳисоблайдилар. Ливаннинг жанубида фаластинлик қочоқларнинг катта лагерлари бор. Ғарб матбуотининг эътироф қилишича, Исроил кўзда тутган икки асосий мақсад — Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатини тугатишдан, шунингдек фаластинликларни Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан мажбурий тартибда бошқа жойларга кўчиришдан иборат. Исроил шу мақсадда қўшни араб мамлакатларига қарши ўз агрессияси доирасини кенгайтирмоқда.

Яқин Шарқда кескин вазиятнинг доим сақлаб қолинишидан манфаатдор бўлган Исроил айни вақтда қўшни районлардаги ҳар қандай кескин ҳолатлардан ўз мақсадлари учун фойдаланмоқда. Кипр ва Грециядаги воқеалар бунга мисол бўла олади. Тель-Авив бу воқеалардан фойдаланиб, империалистик лагерда ўз мавқеини кучайтиришга умид боғламоқда. Американинг Грециядаги базаларини Исроилнинг Ҳайфа портига кўчириш тўғрисидаги таклифлар Тель-Авив газеталари саҳифаларида пайдо бўлиб қолди. Греция ҳукумати ўз мамлакати НАТО ҳарбий ташкилотидан чиққанлигини якинда маълум қилган эди. Тель-Авив ўз хизмати эвазига НАТОдаги муайян доираларнинг сионист агрессорларга ҳарбий ва дипломатик йўл билан бераётган ёрдамини кенгайтиришга умид боғлаяпти.

Яқин Шарқдаги тинчлик душманларининг янги хатарли найранглари Исроил агрессияси оқибатларини теэроқ тугатиш, Исроил қўшинларини босиб олинган барча араб ерларидан олиб чиқиб кетиш ва Фаластин араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларига эришувини таъминлаш зарур эканлигини жуда яққол исбот этади. Яқин Шарқ проблемасини бошқача тарзда ҳал этиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар ана шу хатарли районда вазиятни янада кескинлаштириши мумкин холос.

Г. СКОБЕЛЕВ,
О. АНИЧКИН,
С. КУЛИК,
(ТАСС).

ҲАМЖИҲАТЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

БОННН, 2 сентябрь. (ТАСС мухбири). Германия Компартияси правлениесининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили Э. Вебер ТАСС мухбирига бундай деди: Ғарбий Германия меҳнаткашлари Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатларнинг ривожланишидан ва мустаҳкамланишидан ғоят миннатдордир.

У уқтириб ўтдики, ГФР билан СССР ўртасида шартнома имзоланганидан кейин ўтган тўрт йил мобайнида сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий соҳаларда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилашда анчагина натижаларга эришилди.

Маданий ва спорт алоқаларини янада ривожлантириш, ишчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилоти ўртасидаги алоқани кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан ҳам тўла фойдаланиш керак, деди Э. Вебер.

У ГФРда Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасидаги муносабатларни яхшилашга халқлар ўртасидаги ҳаракатлар ва ҳаракатлар ва ҳаракатлар ва



Республикамиз мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларда янги ўқув йили бошланди. Суратларда: (чапдан ўнгга) Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 144-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари биринчи дарсда. Бу йил Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг биринчи курсига 800 дан ортиқ студент қабул қилинди. Суратда: ўқитувчи Ф. Озодаев КПСС тарихидан лекция ўқимоқда.

И. Глауберзон фотолари.

ҚАЛЪА ДЕВОРЛАРИ УЧУН

Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг бир группа олимлари техника фанлари кандидати Абдуғани Абдуразоқов раҳбарлигида қадимий архитектура ёдгорликларини мустаҳкамлаш усулини ишлаб чиқди. Бу ёдгорликларнинг деворлари ҳароратнинг кескин ўзгариши, ёғингарчилик ва шамол оқибатида вайрон бўлиб кетади. Қадимий иморатларни консервация қилишнинг янги усули ҳозир Жанубий Ўзбекистонда бундан тўрт минг йил муқаддам қурилган Сопол-литепа қалъаси деворларини мустаҳкамлаш учун синаб кўрилмоқда.

Қадимий меъморлар иморат қуришда ҳамиша ишлатиб келган хом ғишт ва блоклар пухта материал эмас экан. Замон ўтиши билан Сополлитепанинг қалин деворлари ҳаддан ташқари емирилаверган.

Олимлар деворларни катализатор қўшилган суюқ состав билан намлайдилар. Нам тортадиган хом ғиштга батамом сингиб кетадиган бу суюқлик, мономер қуёшнинг иссиқ ҳарорати остида полимерга айланади. Лой бамисоли монолитдек мустаҳкам бўлиб қолади. Тажрибанинг кўрсатишича, модда билан намланган ғишт хом ғиштга қараганда 14 баравар пишиқроқдир ва мустаҳкамлиги жиҳатидан пишиқ ғиштдан устун туради.

(ЎзТАГ).

ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИНИ АСРАБ...

Бугун Тошкентда табиатни қўриқлаш жамиятининг IV республика съезди ўз ишини бошлайди. Бу кўнгилли жамият ўз сафида 2,5 миллион кишини бирлаштиради.

Жамиятнинг фаолияти турли-туман ва серқирра. Унинг аъзолари совет ва хўжалик органларига табиий бойликларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишда ёрдам кўрсатишмоқда, аҳоли ўртасида табиатни муҳофаза қилиш бўйича ленинча ғояларни пропаганда қилишмоқда. КПСС XXIV съезди қарорлари ва партия, ҳукуматимиз кўрсатмаларини амалга ошира бориб, жамият сўнгги йилларда ибратли ишларни бажарди:

Табиатни севучилар республикада «Ҳар бир гектар ер — элга хизмат қилсин» шиори остида оммавий ташаббус бошладилар. Шунингдек, улар ҳар йили ўтказиладиган боғ ва ўрмон ойликларида мунтазам иштирок этиб, бир қатор саноат корхоналарида иншоотларни тозалаш иши юзасидан назорат ўрнатдилар. Бугунги кунда улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига белгиланган тадбирларни муваффақиятли адо этишмоқда.

Жамият аъзолари кенг кўламда агитация-пропаганда ишларини қўлга олиб боришмоқда. Маданият ва истироҳат паркларида ҳамда бошқа жамоат жойларида лекциялар ва суҳбатлар ўтказилиб табиат тўғрисида турли кўргазмалар ташкил қилинди. Ҳисобот даврида ўнта оммавий брошюра, 147 та турли хилдаги плакатлар нашр қилинди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитети билан ҳамкорликда «Ўрмонлар яшнайверсин» номли фильм суратга олинди. Съезд делегатларига ушбу фильмни кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Табиатни қўриқлаш жамиятининг IV съездига иттифоқдош республикаларнинг вакиллари ҳам таклиф қилинган.

Навбатдаги съездда табиатни севучилар ўз ташкилотлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилиб, раҳбар органларни сайлайдилар.

Л. КУЛЬБАШНАЯ,
табиатни қўриқлаш жамияти республика Совети президиумининг масъул секретари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

Область шаҳарлари

ОҚТОШ

Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Туркманистонда, Олтой ўлкаси ва Тошкент областида Оқтош номи билан юритиладиган географик жойлар бор. Самарқанд областидаги Оқтош эса жанубдан Қоратоғ, шимолдан Оқтоғ билан қўшалган навқирон шаҳарчадир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин Оқтош кичкинагина қишлоқча бўлиб, пастқам пахса уйларда ўтгиздан ортиқ хонадон истиқомат қиларди. Деҳқонлар ғаллачилик, боғдорчилик, аксарият чорвачилик билан шуғулланишган.

Шаҳар тарихида темир йўл алоҳида ўрин тутади. 1887 йилда Чоржўйдан бошланган темир йўл Оқтош қишлоғига ҳам етиб келади. Бу ерда Зирабулоқ темир йўл станцияси қурилади. Станцияга рус, украин, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари кўчиб келиб маҳаллий халқ билан биргаликда ишлай бошлайдилар.

Октябрь инқилоби туфайли шаҳар истиқболга юз тутди. 1926 йили Нарпай райони ташкил топади. Тўрт йилдан кейин район маркази Мирбозор қишлоғидан Оқтошга кўчиб ўтди ва қишлоқ Совети тузилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 30 сентябрь Фармонига мувофиқ Оқтош посёлкаси шаҳар бўлиб қолди. Бу пайтга келиб, унинг территорияси 400 гектардан ошган, аҳолиси 17 минг кишига яқинлашиб қолган эди. Шаҳарнинг шарқий ва айниқса ғарбий қисмида кўп қаватли уй-жойлар, турли маданий ва маиший муассаса бинолари қад кўтарди.

Оқтошнинг тараққиётга юз тутганини пахта тозалаш заводи мисолида ҳам кўрса бўлади. Чор ҳукумати даврида корхона ўрнида тўртта тола ажратадиган ускуна бўлган, қиркдан ортиқ ишчи ишлаган. Ўтган йили бу ерда 31700 тонна тола ишлаб чиқарилди. Завод маҳсулотлари мамлакатимиздаги 60 дан ортиқ корхонага етказиб берилади. Бундан ташқари олтита социалистик мамлакат, шунингдек Финляндия, ГФР, Япония ва Канада каби мамлакатлар ҳам завод маҳсулотини сотиб олмоқдалар. Ҳозирги кунда корхонада 1600 дан ортиқ ишчи, инженер ва техник меҳнат қилмоқда.

Шаҳарда бундай корхоналар талайгина. Маданият, халқ маорифи ҳам йилдан-йилга равнақ топмоқда. Утмишда Оқтош қишлоғида биттагина эски мактаб бўлган. Ҳозир шаҳарда бешта ўрта, битта саккиз йиллик, иккита кечки ишчи-ёшлар мактаблари мавжуд бўлиб, уларда тўрт ярим мингга яқин ўқувчи таълим олмоқда. 67-ҳунар-техника билим юртида эса 400 дан ортиқ йигит-қиз турли касб сирларини ўрганмоқдалар.

Оқтошликлар Ислом шоир Назар ўғли билан ҳақли суратда фахрланадилар. У шу ерда қирқ йилга яқин яшади.

Шаҳарнинг истиқболи порлоқ. Келгусида Оқтош янада кўркамлашади. Юз гектар майдонда уйжой массиви, худди шунча майдонда корхона ва муассасалар, Нарпай каналининг соҳилида эса дам олиш зоналари бунёд этилади.

Шаҳар ва ишчи посёлкаларини обод қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Шу боисдан Оқтош шаҳри ҳам республикамизнинг йирик шаҳарлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб турибди.

Б. РЎЗИЕВ,
Б. ХЎЖАЕВ,
«Билим» жамияти ходимлари.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ШУҲРАТ ОРДЕНЛАРИ КАВАЛЕРИ

Висла — Одер операцияси бошланишидан олдин 149-ўқчи дивизия 568-полкининг штабига янги йил совғалари келди. Улар жуда кўп эди. Полк командири подполковник Каминский озиқ-овқат таъминоти бошлиғига совғаларни бўлинмаларга баравар тақсимлаш тўғрисида кўрсатма берди.

— Мана буни эса, — деди у бармоғи билан энг катта посилкани кўрсатиб, — шахсан сержант Маъруповга топширинг.

Бу посилка устига «Тбилиси тўқувчилик фабрикасининг тўқувчиси совғани энг яхши жангчига топширишни сўрайди» деб ёзилган эди.

Зубайдулла Маърупов полкда моҳир жангчи сифатида ном чиқаргунча жуда катта жанговар йўлни босиб ўтди. У миллионлаб бошқа солдатлар каби икки йил жанг майдонларида одимлади. Сталинград шаҳригача чекиниш аламини тортди. Лекин Волга соҳилида ортиқча чекинишга жой йўқлигини бутун қалби билан тушунди. Шу ерда КПСС аъзолигига қабул қилинди. Шу ерда биринчи ғалаба нишасини тотди.

Полк Днепр соҳилига етиб борганда Каминский зарбдор отряди тўплади, зарур кўрсатмаларни бергач, йигитлардан:

— Хўш, лочинлар, шу тўсиқни енгиб ўтамизми? — деб сўради.

— Албатта ўтамиз! — ҳамма учун Маърупов дадил жавоб берди, — энди қўрқинчли эмас. Ахир дарё ҳам ўзимизники.

Октябрь туни, Совуқ шамол эсиб турибди. Зулмат десант қайиқларини ўз бағрига олган. Дарё ўртасига етиб борганда бирдан десант устида ёритувчи ракеталар пайдо бўлди. Худди шу дақиқа юзлаб снаряд ва миналар портлай бошлади. Душман ёғдираётган ўқ десант қайиқларини ишдан чиқарди. Бироқ отряднинг ҳужумини тўхтатишга қодир эмасди.

Маърупов командирлик қилаётган қайиқ бурнига мина тушиб портлади. Мина парчаси Зубайдулланинг кўкрагига урилди. У совуқ сувга йиқилар экан, қайиқ парчасини—тахтани ушлаб қолди. Бир неча дақиқа ўзи тушиб қолган аҳвол ҳақида ўйлади. Қўлидан куч кетмаганлигина сезиб, «Ҳайрият, яра хавфли эмас экан» деди овоз чиқариб. Шу пайт ёнида бир тахтага ёпишган Алабугинни кўриб қолди. Оқим уларни қўйига олиб кетарди.

— Иван, — деб сўради Зубайдулла, — аҳволинг қалай, бошқалар қани?

— Иш чатоқ. Оёғимдан ярадор бўлдим. Бошқаларни кўрмадим, — жавоб берди Алабугин.

— Тезроқ қирғоққа суз! — қичқирди Маърупов.

Соҳилга чиққанларида Иваннинг юролмаслиги маълум бўлди. Жангчилардан 100-150 метр чапроқда душман ДЗОТи жойлашган бўлиб, тинимсиз ўт сочарди. Зубайдилла бир жуфт танкка қарши ишлатиладиган гранатани олиб, эмаклай кетди. Баданига ёпишиб қолган ҳўл кийими совуқдан қақшатарди. Баъзан эса ярасидан оқаётган илиқ қонни сезарди.

Истеҳком ичидаги душман билан олишувда совет жангчиси ғолиб келди. ДЗОТнинг тормор келтирилиши полкнинг дарёни кечиб ўтишини осонлаштирди. Зубайдулла Маъруповнинг жасорати учинчи даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланди.

Кейинчалик Люблин воеводаси районида Висла дарёсини кечиб ўтиш вақтида сержант Маърупов 45 миллиметрли тўп расчетига командирлик қилди. Душман ишғол қилиб турган соҳил қаттиқ мудофаа қилинаётганлигини ҳисобга олиб, Маърупов дарёни кечиб ўтиш вақтида тўпни ҳам бирга олиб ўтишни таклиф қилди.

Тўп расчёти бир кечаю-кундуз тайёргарлик кўриб, сол ясади. 7 август тунида десант қайиқлар қаторида сол ҳам сувга туширилди. Мана, дарёни кечиб ўтаётган жангчиларимизни душман ДЗОТидан сайраётган пулемёт олов билан қарши олди.

— Ўт очилсин! — Буйруқ берди сержант Маърупов. Кетма-кет отилган беш снаряд душман ДЗОТини тинчитиб қўйди.

Плацдармни кенгайтириш вақтида Маърупов расчёти душманнинг яна тўртта ўт очиш нуқтасини яксон қилди ва бир взводдан ортиқ солдатларини ишдан чиқарди. Ана шу жасорати учун Зубайдулла иккинчи даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

...Шиддатли ҳужум олдидан сўнгги тун. Бундай пайтларда ҳар бир солдат кўз олдидан ҳаёти, севимлиси, фарзандари бирма-бир ўтади. Ҳар бир жангчи жанга шайланади. 568-ўқчи полк артиллериячилари ертўласида коммунист-агитатор Маърупов 45 миллиметрли тўп взводи жангчилари билан суҳбат ўтказяпти. У поляк халқини тўла озод қилиш совет кишиларининг — интернационал бурчи эканлиги тўғрисида, сибирлик Алабугин, белорус Макаренко, қозоқ Тинибеков, москвалик Каминский ва бошқа жангчиларнинг жасорати, дўстлиги ҳақида сўзлайди. Сўнг чўнтагидан Тбилиси тўқувчилик фабрикасининг илғор тўқувчиси Нона Сепашвилининг суратини чиқариб, орқасига ёзилган хатни ошилмай ўқийди: «Қадрли биродарим! Шу суратдаги тасвирим, сенинг ҳақингдаги ўйларим, ўз қўлим билан тўқиган шу иссиқ кийимлар қалбингни илитсин. Қалб ҳарорати эса Ватанга муҳаббат ва душманга нафрат замиридир. Ғалабадан сўнг учрашгунча хайр.

— Грузин қизи ўзбекни биродар деб атайди. — ўйчанлик билан гапиради Зубайдулла.— Мана шунинг ўзи халқларнинг ҳақиқий дўстлигидир.

Маъруповнинг тўпи ҳужум қилиб бораётган пиёдалар сафида уч кечаю-кундуз олға силжиди. 15 январь тонгида душман қарши ҳужумга ўтди ва айрим участкаларда бўлинмаларимизни қисиб қўйди. Маърупов ўз қуроли билан мадад бериб бораётган ўқчи взводга қарши душманнинг бир ротача автоматчилари станокли ва қўл пулеметлари ҳимоясида ҳужумга ташланди. Ўртадаги масофа 150-200 метрча қолди. Ўқчилар душман устига ёғдирдай ўқ ёғдирдилар. Лекин тўп жим турарди.

— Нега отмаяпсан? — пиёдаларнинг жаҳл аралаш овозлари эшитила бошлади.

Лекин Маърупов тошилмади. У душман пулемётлари тилга киришини пойлаб турган эди. Чап томонда станокли пулемёт сайрай бошлаши биланоқ Зубайдулла тўпга ташланди ва бирин-кетин ўқ узиб, пулемёт расчетини яксон қилди. Бир неча дақиқадан сўнг рўпарада ўқ уза бошлаган пулемёт расчетини тинчитди. Бу пайт душман билан орадаги масофа 80-100 метрча қолган эди. Зубайдулла уларга қарши рўпарадан ўт очди. Гитлерчилар саросимага тушиб қолдилар. Омон қолганлари орқага эмаклай бошлади. Душманнинг биринчи ҳужуми шу тарзда қайтарилди.

Шу куни душманнинг қайта-қайта ҳужуми пиёдалар жасорати ва тўпчилар маҳорати билан барбод этиб турилди. Гитлерчилар артиллерия расчетини ва атрофидаги пиёдаларни қуршаб олишга муваффақ бўлдилар. Сержант Маърупов қуршовда қолганларга командирлик қила бошлади. Душманнинг бешинчи ва олтинчи ҳужумлари ҳам қайтарилди. Аммо гитлерчилар яна ҳужумга тайёрланишарди. Қуршовда қолган группада пиёдалардан беш кишигина қолди. Снарядлар ҳам кам эди. Навбатдаги ҳужумни қайтариш имконияти йўқ, шунга қарамай жангчилар сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қилишга тайёр эдилар. Худди шу пайт шарқдан «У-р-а!» садолари янгради.

Шу куни Маърупов душманнинг тўртта станокли пулемётини яксон қилди ва 36 солдат ва офицерини қириб ташлади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 27 июнь Фармони билан қардош поляк халқини фашизм асоратидан озод қилиш учун немис босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган мардлиги учун сержант Маърупов биринчи даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

Ғалабадан сўнг Зубайдулла Самарқандга қайтиб келди. Яратувчилик меҳнатига қўшилди. Бироқ у кўп ишлай олмади. Урўш жароҳатлари уни енгиб қўйди. 1965 йилда Зубайдулла Маърупов вафот этди. Лекин ўзбек халқи фарзандининг Ватан озодлиги учун жангларда кўрсатган жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

Г. АНДРЕЕВ,
запасдаги полковник.

ЭЛЕКТРОН КАССИР

Фрунзедаги контроль-ўлчов асбоблари заводида янги конструкциядаги универсал танга-чақа механизмлари қўллаб ишлаб чиқарила бошлади. Уларнинг замиридаги электрон программа нархи 99 тийинга борадиган нарсаларни ҳар қандай чақа-танга билан харид этишга имкон беради. Давлат синовлари янги қурилма пухта ишлашини кўрсатди.

Умумий овқатланиш корхоналарида универсал танга-чақа механизмлари ёрдами билан донали ва қадоқланган маҳсулотлар, комплекс овқатлар сотилаверади. Шаҳар атрофи кассаларида автоматлар темир йўл билетларини сотиш билан шуғулланади, бензин қуйиш колонкаларида эса ёнилги тарқатади.

Шу йил корхонада 600 га яқин шундай автомат ясалади, келаси йилдан бошлаб эса бундай автоматлар ишлаб чиқариш 3,5 баравардан зиёд кўпаяди. (ТАСС).

Спорт. Спорт. Спорт.

КУРАШ — ИНСТИТУТ ПРОГРАММАСИДА

Миллий кураш биринчи марта олий ўқув юрти программасига киритилди. Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг спорт факультетига «Кураш» мутахассислиги бўйича ўнта ёш курашчи қабул қилинди. Бу факультетнинг дастлабки студентлари Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозидан Мирдавлат Бўриев, Тошкент области Пскент районидан Абдужалил Шоматов, Бухородан Маматкарим Махмудов ва яна миллий курашга кўнгил қўйган шунга ўхшаш еттита йигитдир.

Махсус ўқиш программаси кураш кафедрасининг катта ўқитувчиси — курашнинг зўр ташаббускори ва билимдони Жумабой Нуршин томонидан тузиб чиқилди. Жумабой Нуршин ёш спортчиларнинг биринчи устози бўлиб ҳам қолади. Республикада кураш бўйича тренерларга эҳтиёж жуда қатта — ўн минглаб йигитлар кураш билан қизиқадилар.

Бухоро ва Фарғона қондалари бўйича кураш — институтда ўн етинчи спорт мутахассислиги бўлиб қолди. Институт программасига курашнинг яна бир тури — дзю-до кураши киритилди.

Бу йил Ўзбекистон Давлат физкультура институтига 350 студент қабул қилинди. Бу бултургидан 50 киши ортиқ қабул қилинганлигини кўрсатади. (ЎзТАГ).

ЗАМОНАВИЙ БЕШКУРАШ

Москвада 21 мамлакат спортчилари иштирокида жаҳон чемпионати бошланди. Айни вақтда ёшлар ўртасида ҳам шундай мусобақа ўтказилмоқда. Катталар турнирида чавандозлик ва қиличбозлик курашлари ниҳоятда кескин ўтди. Шахсий ҳисобда биринчи турдан кейин австралиялик П. Рижуэй пешқадам бўлиб олди. Команда ҳисобида эса совет спортчилари олдинда.

БАСКЕТБОЛ

«Миллатлар кубоги» учун Колумбия пойтахти — Боготада ўтказилган халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Ҳал қилувчи учрашув СССР билан АҚШ терма командалари ўртасида бўлди. Совет спортчилари 101:88 ҳисобида ғалабага эришиб, фахрий совринни қўлга киритдилар.

САМБО

Бутуниттифоқ қишлоқ спорт ўйинлари программасидаги мусобақалар тугади. «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари мусобақа охирларида яна бир ютуққа эришдилар. Енгил вазнли полвонлар ўртасидаги беллашувларни муваффақиятли ўтказган Г. Пя фақат финалда ютқазиб, Саратовдан кумуш медаль олиб қайтди.

ТЕННИС

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати ўтказилди. Бир неча кунги мусобақалар пировардида тошкентлик В. Колесниченко («Спартак») билан И. Лимакина («Динамо») биринчи ўринни олдилар. Команда ҳисобида эса «Буревестник» теннисчилари ғалаба қилишди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МУЗИКАЛИ ДОСКА

Англиянинг баъзи музика мактабларида шундай досканалар ҳам ўрнатилганки, ўқувчилар унга ёзиладиган нота белгиларини ўқибгина қолмай, балки шуларга мос келадиган музикани ҳам эшитадилар. Ташқи томонидан бундай доска одатдагисидан фарқ қилмайди. Аммо унга оҳанг генераторига уланган металл пластинкалар бириктилган. Доскада ёзуглик нота белгисига махсус кўрсатгич таёқча тегизилиши билан, ток занжири уланиб, доскада музика товуши янграйди.

УЗИ КИТОБДЕК, АММО...

Яқин вақтларгача, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) дейилганда биз ҳилма-хил аппаратлар билан лиқ тўлган катта залларни кўз олдимизга келтирар эдик. Мана энди эса...

Бундан бирмунча вақт муқаддам Япониядаги «Тошиба» фирмаси катталиги китобдек келадиган ЭХМ ни намойиш қилди. Бу митти ҳисоблаш машинаси имкониятлари жиҳатидан катталиги сервантдек бўлган ЭХМлардан қолишмайди. Ундан ташқари, унинг марказий узели нақ тирноқдек катталикдаги яхлит ярим ўтказгич кристаллидан ясалган бўлиб, 11 минг транзистор қувватига тенгдир.

ДЕВОРОШАР ЭКСКАВАТОР

Италиядаги «Моро» фирмасининг конструкторлари деворлар устидан ҳам ошиб ўтаоладиган экскаватор яратдилар. Улар экскаваторнинг тўртта ғилдирагидан иккитаси ўрнига ҳаракатланувчи телескопик таянчлар ўрнатдилар. Экскаватор ана шу таянчлар воситасида энг тикка жойларда ва ҳатто чуқур ҳандақлар устида «осилган» ҳолда ҳам ишлай олади. Шунингдек у ана шу «оёқ»лари ва чўмичли стрелага таяниб, хилма-хил тўсиқлар устидан ошиб ўтади, ҳатто ўзи юкланадиган машинага мустақил равишда чиқиб, ўрнашиб олади.

БЕТОН ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бу саволга ҳозирда, бундан қарийб 7600 йил бурун деб жавоб бериш мумкин. Сербиянинг Лепенски Вир деган жойида қадимги қулбанинг энг пастки катлэмида топилган бетон пол қолдиқлари бунинг далилидир. Бундай пол қизил тусдаги оҳак, қуйдирилган шағал, қум ва сув аралашмасидан қурилган экан.

Буларнинг ҳаммаси вақт ўтиши билан яхлит, мустаҳкам заминга айланган бўлиб, оғирлиги 60 тонна келади.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Кўғирчоқ театр. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — **Футбол: «Пахтакор» (Тошкент) — «Днепр» (Днепропетровск).** 20.45 — Юбилей йили марраси. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — МОСКВА. СССРда Болгария Халқ Республикаси маданияти кунларининг очилиши. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — МОСКВА. 21.30 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Пойтахтимиз меҳмонлари». 22.40 — **«Бизлар циркка борамиз»** (кинофильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Янгиликлар. 19.15 — «Анна Каренина» (фильм-балет). 19.50 — Ўқитувчи экрани. 20.20 — Концерт. 20.50 — **«Генерал жаноби олийларининг адъютанти»** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

А. НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/IXда **Риголетто**, 4/IXда **Севги туморн**, 5/IXда **Дилором.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Жангга фақат кексалар кирадилар — «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45), ҲАМЗА НОМЛИ (11.00, 13.00, 15.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «НУКУС», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Экран юлдузи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ҳар кунги ҳаёт — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Жангга фақат кексалар кирадилар — «ФЕСТИВАЛЬ».

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

кафедра доценти: рентгенология ва медицина радиологияси (медицина фанлари кандидати);

кафедра ассистентлари: офтальмология, рентгенология ва медицина радиологияси, 1-терапия, фтизиатрия, реаниматология, ВТЭ, юқумли касалликлар, болалар юқумли касалликлари, микробиология (медицина фанлари кандидатлари).

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Генерал Петров кўчаси, 51-уй.

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ТЕХНИКА МАКТАБИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ — бир чўмичли экскаваторлар машинистларини тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Мактабга Совет Армияси сафида қарбий хизматни ўтаб қайтганлар ва 8—10-синф ҳажмида маълумотли 18 ва ундан катта ёшдаги йигитлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга 76 сўм ҳажмида стипендия берилади ва бепул ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганлар Урта Осиё ва Қозоғистон территориясидаги «СРЕДАЗСТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестига ишга юборилади. Улар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда иш ҳақига 30 процент қўшимча тўланади.

Ўқишга кирувчилар: мактаб директори номига ариза, паспорт ва ҳарбий билет, ҳамда медицина справкасини топширадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 10 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар 70, Глинка кўчаси, 11-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Р. 02674. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 205.